



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ


2001 йил 21 сентябр, жума № 149 (1163)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Қарши шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказди. Унда 400 га яқин корхона, ташкилот, муассаса, 51 та маҳалла фуқаролар йиғини 558 та бўш иш ўрни билан қатнашди.



Сўнгги йилларда Тошкент вилоятининг Чиноз туманида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда.



Суратларда: янги қўшма корхонанинг олд томондан кўриниши ва унинг цехларидан бири акс эттирилган.

OLAMDA NIMA GAP

АФҒОН УЛАМОЛАРИНИНГ ҚАРОРИ

Афғонистон уламолари кенгаши — Шўро — Усома бин Ладиннинг ўз ихтиёри билан мамлакатни тарк этиши лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур қарор толиблар етакчиси мулла Умарнинг сиёсий мағлубияти сифатида баҳоланмоқда.

шарраф АҚШни оқиллик билан иш юриштига чақирар экан, Покистон Усома бин Ладиннинг мазкур террорист алоқадорлигини исбот қилувчи далилларга муҳтож деди.

СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

Франциянинг «Liberation» газетаси Европадаги тўртта давлатда терроризмга қарши ҳарбий операциялар ўтказиш хусусида сўров ўтказди. Унинг натижасига кўра, британияликларнинг қарийб 80 фоизи ҳарбий объектларга зарба бериш лозим, дея фикр билдирган.

ЯҚИН ШАРҚДА ХАМОН НОТИНЧЛИК

Яҳудий аҳоли пунктнинг портлатилиши натижасида икки киши жароҳат олди. Ушбу ҳодиса хусусида маълумотлар кам бўлса-да, хабарларга қараганда портлаш Фарбий киргоқ шимолидаги Оранит қишлоғида юз берган.

ЧЕРНОГОРИЯ — ҚАРШИ

Черногория ҳукумати бўлажак Югославия Федерацияси тевагагидаги музокара-ларда қатнашишдан бош тортиди. Черногория мустақиллиги учун ҳаракат қилаётган республика ҳукумати ўз қарорини энг оқилона деб атади.

ПАРЛАМЕНТДА МУХОКАМА

Македония Парламенти Конституцияга критикланган ўзгартиришларни муҳокама қилиши бошлади. Фарб сийбасчиларнинг фикрича, етти ой қўзғалган қонли тўқнашувларнинг батамом барҳам топиши ана шу муҳокама натижасига боғлиқ.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида Аскар ШОКИРОВ тайёрланди.

Савоб ХАЗОРАСПЛИК ТҮЙ БОЛАЛАР

Туман агросаноат мажмуи ходимлари касбаба уюшма кўмитаси туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан яна бир савобли ишни амалга оширди.



носабати билан яна бир савобли ишни амалга оширди. «Хоразмшакар» хўжалигининг муҳташам саройида 21 нафар болажоннинг суннат тўйи ўтказилди. Кичкинтойлар туманининг турли қишлоқларида яшовчи кам даромадли оилаларнинг фарзандлари, етим ва ногирон болалар эди.

Э. ЭРМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

ТАДБИРКОР МАКТАБ ҚУРДИ

Чироқчи туманидаги «Чувиллоқ» қишлоғи болалари энди тўрт километр узоқликда жойлашган мактабга қатнаш ташвишидан холи бўлди.

Адолат - қонун устуворлигидадир. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси олтинчи сессияси минбаридан айтган ушбу сўзлари юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш жабҳасида амалга оширилаётган терең ислохотлар учун асосий мезон, дастуруламал йўналиш бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Зеро, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онини юксалтириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва хурмат руҳида тарбиялаш - ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳамдир.

Истиклол йилларида бу борда жуда катта ишлар қилинди. Лекин шунга қарамай, сессияда таъкидланганидек, қонунчилигимизда ҳам, қонунчи қўллаш фаолиятида ҳам ўтмиш замоннинг иллатлари ҳамон сезилмоқда. Буни, масалан, жамият учун унчалик хавфли бўлмаган қонунбузарлик содир этган шахсларга нисбатан суд томонидан узок муддатга озодликдан маҳрум этиш чораларининг қўлланиши каби ҳолларда кўриш мумкин.

Ваҳоланки, фуқароларни жамиятдан ажратиб билан боғлиқ бун-

нинг эртасигаёқ касбаба уюшма кўмитасига кирди ва раисга юрагидаги ниятларини айтди.

Жамоа шартномасида кўрсатилган моддий ёрдам (мукофот пули) қачон берилишини сўраганида, касабакўми раисининг нафаси ичига тушди:

— Шу нарса сал ноаниқроқ бўлиб турибди-да, ака, - деди.

— Нима учун? Ахир, бу масала маъмурият билан касбаба уюшма кўмитасининг қўшма

кам иш ҳақининг 8 баробари-дан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам кўрсатилиши» белгиланган эди. Бироқ, маъмурият 2000 йилнинг 27 октяб-рида ушбу шартномага асосан «Ходимларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида» буйруқ чиқариб, унда юқоридаги жамоа шартномасига зид равишда ҳар бир ходимга ҳозиргина тилга олиб

маъмурият қарорни бажармади. Шундан кейин кўмита вилоят касбаба уюшмалари Кенга-шининг меҳнат ҳуқуқи инспекциясига мурожаат қилди.

Лекин инспекция аралашувиغا қарамасдан, келишувга эришиб бўлмади.

Мехнат Кодексининг 268-моддасида меҳнатнинг ҳуқуқ буйича нозирни низоли кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга

Фармон ва ижро

да кифоя бўлган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз аъён-наларни ҳамда ривожланган демократик мамлакатларда қўлланиб кели-

анъанага айлангани ҳам жамият ва давлатимизнинг юксак даражадаги инсонпарварлиги намунаси.

Хусусан, мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони билиб-билмай жиноятга қўл уриб, қилмишидан астойдил пушаймон бўлган шахслар, уларнинг ота-оналари, яқинлари қалбига малҳам бўлди, қанчадан-қанча бахти кемтик хонадонларга қувонч олиб келди.

Бундан ташқари ушбу қарор толиблар орасида бўлинишга олиб келиши мумкин. Зеро, энди бин Ладиннинг мамлакатда қилиши тарафдорлари ва унга қаршилар пайдо бўлди.

АҚШ Бош прокурори Жон Эшкрофт террорчиларга баъзи давлатлар ҳукуматлари кўмак бергани тўғрисида баёнот берди. Унинг айтишича, мамлакатда юз берган дахшатли ҳалокат қўлами шундай хулосага олиб келади.

Бош прокурорнинг яна таъкидлашича, айни вақтда хибсага олинганларнинг айбдор-айбдор эмаслиги тўғрисида бир нима дейишга ҳали эрта. Федерал Кидирув Маҳкамаси томонидан 200 нафар гунодорлар изланмоқда.

Ҳозирги кунда 750 киши сўроқ қилинмоқда.

ПОКИСТОН ҲАМКОРЛИК НИЯТИДА

Покистон Президенти Парвиз Мушарраф ўз халқига мурожаат қилиб, терроризмга қарши курашда АҚШ билан ҳамкорлик қилишини маълум қилди.

Унинг айтишича, мазкур қарор юзасидан Покистон халқининг фикри турлича. Бироқ, Президентнинг ишонч билдиришича, кўпчилик уни қўллаб-қувватлаб чиқади.

Шунингдек, Му-

шарраф АҚШни оқиллик билан иш юриштига чақирар экан, Покистон Усома бин Ладиннинг мазкур террорист алоқадорлигини исбот қилувчи далилларга муҳтож деди.

Франциянинг «Liberation» газетаси Европадаги тўртта давлатда терроризмга қарши ҳарбий операциялар ўтказиш хусусида сўров ўтказди.

Унинг натижасига кўра, британияликларнинг қарийб 80 фоизи ҳарбий объектларга зарба бериш лозим, дея фикр билдирган.

Французларнинг тўртдан уч қисми ушбу фикрни ёқлаб чиққан. Италия ва Германияда ҳарбий операция тарафдорлари озчиликини ташкил этса-да, аммо анча салмоқли. Би-би-си мухбирининг хабар беришича, гарчи кўпчилик Европа давлатлари терроризмга қарши курашда АҚШ билан бирдам эканликларини айтмаётган бўлишса ҳам, гап амалий ишга тақалганда, маслаҳатлашиш лозимлигини уқтиришмоқда.

ЯҚИН ШАРҚДА ХАМОН НОТИНЧЛИК

Яҳудий аҳоли пунктнинг портлатилиши натижасида икки киши жароҳат олди. Ушбу ҳодиса хусусида маълумотлар кам бўлса-да, хабарларга қараганда портлаш Фарбий киргоқ шимолидаги Оранит қишлоғида юз берган.

Черногория ҳукумати бўлажак Югославия Федерацияси тевагагидаги музокара-ларда қатнашишдан бош тортиди.

ҚАТЪИЯТЛИК

касаба уюшма аралашуви билан ишчиларга моддий ёрдам ундирилди

ийгилишида тасдиқланган-ку! Маълумки, жамоа шартномаси Меҳнат Кодексининг 29-моддасига асосан корхонада иш бериувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга, ижтимоий иқтисодий ва касба оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжат ҳисобланади. Жумладан, «Наманган-Телеком» акционерлик бирлаш-маси маъмурияти билан касбаба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган ана шу ҳужжатнинг II бўлим 12-бандида «Қишки мавсумга ходимларни қишлоқ хўжа-лик ва озиқ-овқат маҳсулотла-ри билан таъминлаш ёки бу мақсадлар учун Ўзбекистон Рес-публикасида ўрнатилган энг

ўтилган ҳужжатда таъкидланган-дек, энг кам иш ҳақининг 8 баробари миқдоридан эмас, балки ҳар бир ходимнинг бир мансаб маоши миқдоридангина моддий ёрдам бериш кўрсати-лган.

Табиийки, касбаба уюшма кўмитаси жамоа шартномаси-га зид бу буйруққа бефарқ қараб тура олмайди. Биринчи навбатда Наманган туманлари-ро фуқаролик суди ишга бир ёқлама муносабатда бўлди ва «Наманган-Телеком» акционер-лик жамиятининг жамоа шарт-номасида кўрсатилган ишчи-хизматчиларни моддий жиҳат-дан қўллаб-қувватлаш буйича бандларни бажаришга моддий

эканлиги кўрсатилган, - деди шу мавзудаги суҳбатда Наман-ган вилояти касбаба уюшмала-ри Кенгаши бош ҳуқуқ нозирни Гофиржон Каримов. - Ва биз ҳам ниҳоят шундай йўл тутиш-га мажбур бўлдик.

Шу ўринда низо судларда ҳақдан ташқари узок муддат кўрилганлигини таъкидлаб ўтмасдан бўлмади. Биринчи навбатда Наманган туманлари-ро фуқаролик суди ишга бир ёқлама муносабатда бўлди ва «Наманган-Телеком» акционер-лик жамиятининг жамоа шарт-номасида кўрсатилган ишчи-хизматчиларни моддий жиҳат-дан қўллаб-қувватлаш буйича бандларни бажаришга моддий

имкониятлари кўтармаслигини важ қилиб кўрсатиб, вилоят ка-саба уюшмалари Кенгаши бош меҳнат ҳуқуқи нозирининг дав-восини рад этиш, акционерлик жамиятининг қарши даъво ари-засини қаноатлантириш ҳатто вилоят алоқа ходимлари би-рлашган касбаба уюшмаси кўми-таси ва «Наманган-Телеком» акционерлик жамияти маъму-рияти ўртасида тузилган жамоа шартномасини бекор қилиш ва са, моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнинг белги-ланиши шартномада молиявий ҳолатга боғлиқ этиб белгилан-маган. Меҳнат Кодексининг 37-моддаси жамоа шартномаси-нинг корхонада иш бериувчи би-лан ходимлар ўртасидаги меҳ-нат, иқтисодий-ижтимоий муно-сабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжат эканлиги кўрсатилган. Бироқ, суд қонун-нинг ушбу талабига эътибор қилмасдан, шартномани бажар-иш мажбуриятини юқлаш ўрнига уни бутунлай бекор қилиш юзасидан ноқонуний ва асо-сий қарор чиқарган.

Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор

ҳимоячилари

ОМБУДСМАННИНГ МИНТАҚАВИЙ ВАКИЛИ

Инсоннинг ҳаёти, унинг яшаш шариати аввало меҳнати, касб-кори билан боғлиқдир. Ҳар бир меҳнаткаш самарали ишлаши, яхши натижаларга эришиши меҳнат қонунларига қатъий амал қилинишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ишловчиларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш, ҳақ-ҳуқуқини қатъий туриб ҳимоя қилишда Хоразм вилояти касаба уюшмалари Кенгаши Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакили билан муайян тажриба тўплаган. Хусусан, Омбудсманнинг минтақавий вакили ҳузурида эксперт гуруҳи тузилган. Унга доимий равишда услубий ёрдам, ишларни мувофиқлаштиришда амалий кўмак бериб келинмоқда. Утган йил бошларида ўз фаолиятини бошлаган минтақавий вакил қорхоналар, муассасалар, ўқув юртлари ва маҳаллаларда учрашувлар ўтказиб, ҳар бир инсон ҳақ-ҳуқуқини билиши, уни ҳимоя қила олиши гоётада муҳим эканлигини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб бормоқда.

Шу ўринда рақамларга мурожаат қилайлик. Олти ойда Омбудсманнинг минтақавий вакилига 294 та мурожаат келиб тушди. Шундан 262 таси қабул пайтидаги бўлиб, уларга мутахассислар томонидан аниқ-равшан тушунтиришлар берилди. Қолган 35 таси ёзма ариза ва шикоятлар бўлиб, улар эксперт гуруҳи аъзолари иштирокида ўрганилди. Мурожаат қилганларнинг асосий қисми судланганлар ёки уларнинг қариндош-уруғлари эди. Улар баъзи судлар фуқаролар ишларини бир ёқлама ёки дастлабки тергов материалларига асосланиб олиб борганликларини баён қилишганди. Таҳлил шунга кўрсатдики, чинданам айниқса қишлоқ жойлардаги аҳоли амалдаги қонунларимизни яхши билмаслиги, айрим мансабдор шахслар хизмат бурчига нотўғри муносабатда бўлаётганликлари оқибатида қонунбузилиш ҳоллари юзага келган.

Яна қайси бир шикоят хатлари иш ҳақи вақтида берилмаётгани, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар содир бўлаётганлигининг туб сабаблари, тавон пуллари асосиз равишда чўзиб юборилаётганлиги ҳақида эди. Омбудсманнинг минтақавий вакили вилоят касаба уюшмалари кенгаши ходимлари билан «Бахт» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида диспетчер бўлиб ишлаётган С.Цойнинг 131.722 сўм, Урганч шаҳар «Кўкамзорлаштириш» қорхонаси хизматчиларига 2,5 миллион сўм иш ҳақларини ундириб берди. Айни пайтда биз дебитор, кредитор қарзларини тугатиш юзасидан ҳам изчил фаолият юртиялмиз.

Инсон кўп қийинчиликларга чидаши мумкин, аммо у адолатсизликка асло чидамайди. Богот туманидаги «Галаба» шикрат хўжалиги бригада бошлиғи К.Сапаев суяги деҳқончиликда қотган, мўл, арзон ва сифатли маҳсулот етиштиришининг ўзига хос тажриба мактабини яратган инсон. Унинг тўғрисидаги, камчиликларга қарши мурасасиз ку-

рашиши кимларгадир ёқмади. Натижада мавридини топиб, уни ўз вазифасидан бўшатишган. Омбудсман ва касаба уюшма вакиллари аралашувидан сўнг унинг ҳақ-ҳуқуқи тикланди. Бригада бошлиғига етказилган 38.495 сўм моддий зарар ундириб берилди.

«Хоразмдонмахсулот» ҳиссадорлик жамияти ҳайдовчиси Бекберган Мадримов меҳнат фаолияти давомида фақат раҳмат эшитди. У хизмат бурчини сидқидилдан бажариб, ҳамкасбларининг ҳурматини қозонди. Бирок, моҳир ҳайдовчи ҳам вазифасидан ноқонуний тарзда бўшатишган. Жонкуяр кишиларнинг саяё-ҳаракати натижасида у ўз ишига қайта тикланди. Маҳбурий бекор юрган кунлари учун қарийб 200 минг сўм ундириб берилди.

Шовот туманидаги Маҳтумқули номи шикрат хўжалигида боғ бригадари бўлиб ишлаб келган Фарҳод Бекжоновнинг ҳам мушкуллари осон этдик. Миришкор қадрдон жамоасига қайтиб, айни кунларда ташаббускорлик кўрсатиб ишламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунининг 28-моддасида маъмурият айби билан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касалиғи натижасида меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган ходимга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартиб ва миқдорда қорхона бир марта бериладиган нафақа тўлайди ҳамда соғлиққа етказилган шикаст учун товон тўлайди, деб кўрсатилган. Бирок, кўнгилсиз ҳол юз берган айрим қорхона, ташкилотларнинг мутасаддилари уйдаги гапни кўчага олиб чиқмасликка ҳаракат қилишди. Натижада бир меҳнаткаш икки томонлама азият чекади. Яна мисолларга эътиборни қаратайлик. «Хоразмнефтьмаҳсулотлари» акционерлик жамиятида ишлаган А.Раҳимов иш жойида бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этди. Бирок, негадир марҳумнинг фарзандларига ҳеч қандай нафақа ва товон пули тўланмаган. Сабабини сўраганимизда, акционерлик жамияти раҳбару мутахассислари жўяли жавоб беришолмади. Нима ҳам дейишсин. Ҳамма гап инсонга эътиборда... Бизнинг аралашувимиздан кейин бевақт оламдан кўз юмган ишчи оиласига 97.500 сўм товон пули ажратиб берилди. Умуман кейинги икки йил ичида вилоят бўйича ишлаб чиқариш ноғиронларига ва бахтсиз ҳодиса оқибатида вафот этган ходимларнинг оилаларига 5 миллион сўмдан ортиқ товон пули ундирилди.

Демократик-ҳуқуқий давлат қуриш сари дадил одимламоқдамиз. Барча ерда қонун устуворлигига эришиш бош вазифалардан биридир. Зеро, қонун устувор бўлган ерда адолат тантана қилади, одамлар эмин-эркин яшайдилар, меҳнат қиладилар.

М.ЮСУПОВ,
Хоразм вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси,
Омбудсманнинг минтақавий вакили.

Россия давлатларидаги ишбилармонлар билан ҳам бу борада шартномалар тузилган.

Суратда: тажрибали тикувчи Гулмира Исомиддинова.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.



«Биринтуд-Улғунор» Тикув цехида эса катмасъулияти чекланган ҳамиятида 125 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Иш икки сменада ташкил этилган. Тўқув цехига Германиядан келтирилган 2 та дастгоҳда кунига 450 кг. калава илдан трикотаж мато тўқилади.




Фаллаорол туманида «Балтимор-Фаллаорол» шўба кўшма қорхонаси иш бошлади. Унда компот, томат пастаси, тузланган помидор, бодринг ва бошқа консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Утган даврда томат цехида 481345 кг. томат пастаси ишлаб чиқарилган бўлса, консерва цехида эса бу кўрсаткич 30000 банка маҳсулотни ташкил этди.

Ҳозирги кунда бу ерда 450 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг унумли ишлаши учун ҳамма шароит яратилган.

Суратларда: стерилизатор Нигора Ҳайриева; қорхона цехларининг бирида; моҳир ишчи Норқобил Эшқўзиёв.

Б.ТўРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



«АСКУРГОН» фаолиятини кенгайтирмоқда

Жарқўрган туманидаги «Асқургон» хусусий тижорат қорхонаси ўз имкониятларини кенгайтириб, бир кунда 1500 жуфт пайпоқ тўқиш қувватига эга замонавий жиҳозланган цехни ишга туширди.

Қорхона раҳбари Холмўмин Қурбонназаров ўтган йили туман «Тадбиркорбанк»идан 10 миллион сўм кредит олиб, 15 та тўқиш дастгоҳини Россиядан келтирган эди. Утган қисқа давр ичида қорхона қарзидан тўла қўтилиб, жорий йилнинг олти ойида 12 миллион сўмдан зиёд соф фойда кўрди.

Қаловини топсанг...

Хом ашё эса тумандаги «Сурхонтекстиль»дан олинапти. Шунингдек, бу ерда пахта чувиш ҳамда ундан трикотаж мато ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Натижада 74 нафар қишлоқ йигит-қизлари доимий иш билан таъминланди.

— Эришайтган ютуқларимиз ўзимизники, қолаверса, туманимиз иқтисодийтини юксалтиришга оз бўлса-да, ўз ҳиссамизни қўшаётганимиз, бизни янги ютуқларга руҳлантирмоқда, - дейди Холмўмин Қурбонназаров. - Янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш энгил санаяти ривожлантиришдаги тажрибамизни оширмоқда. Келгуси режаларимиз катта. Яқин орада янги дастгоҳлар келтириб, қорхонани янада кенгайтирмоқчимиз. Шу тариқа рақобатбардор, сифатли буюмлар ишлаб чиқариб, четга ҳам сотмоқчимиз. Имкониятларимиз эса етарли.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, бу ерда ишловчиларга ҳавас қилса арзигулик шароитлар яратилган. Дам олиш хоналари ишлаб турибди. Радио-телевизор бор. Бўш пайтларда ёшлар стол тенниси билан шуғулланишади. Матбуот нашрлари мунтазам келтирилади.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Бандлик дастури амалда

нинг 12 таси кўп бола-оилалардандир. Йил бошдан бери 1601 та янги иш ўринлари яратилди. Туман-

ўрта қорхона рўйхатга олинган. Туманда 812 та фермер, 203 та деҳқон хўжаликлари ишлаб турибди. Нафақахўр Хуррам Шуқуровнинг ёши 70 да бўлишига қарамадан «Чашма» фермер хўжалигини бошқариб келаяпти. У ҳар йили давлатга 50 тонна сут, 9 тонна гўшт топширмоқда. Отаҳон чет эл уқуналарини олиб келиб, сутни қайта ишлайдиган кичик қорхона кўрмоқчи.

Чет эл сармояларини жалб этиш учун республика «Бизнес-фонд»и орқали ажратилган 26 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилмади қолган. Тадбиркорлардан У.Кўзиёв, С.Холиёрова, Э.Рўзиёв қабиларнинг таъкидлашларича, туманда хорижий сармоядорларни жалб қилиш учун кўпроқ амалий ишлар қилиш пайти келди.

Демак, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун Чирқоқда ҳамма имкониятлар етарли. Ҳамма гап улардан самарали фойдалана билишда.

Иzzат ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида таъкидлаб ўтилганидек, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш аҳоли турмуш даражасини оширишнинг, ишловчиларни чуқурлаштиришнинг, миллий фаровонликка эриштиришнинг муҳим омилдир.

Чирокчи Қашқадарёнинг иқтисодийотида алоҳида ўрин тутадиган, тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятга эга бўлган туманлардан биридир.

Шу муносабат билан бу ерда тадбиркорликни йўлга қўйиш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш ишлари билан танишим.

— Туманимизда 263800 нафардан зиёд аҳоли яшайди, — дейди биз билан суҳбатда туман ҳокимлиги меҳнат бўлими бошлиғи Х.Тожиёв. — Ишга яроқли бўлган 116775 фуқародан 8354 нафари фаол иш қидирувчилар ҳисобланади. Йилнинг ўтган ойлари мобайнида 1700 киши меҳнат бозорига чиқди.

Бандлик дастурига асосан аҳолини иш билан таъминлаш борасида бир мунча тадбирлар амалга оширилди. 1351 киши меҳнат бўлими орқали ишга жой-

даги барча банклар томонидан 136 та тадбиркорга 143 миллион 620 минг сўм кредит берилди. Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан «Файрат», «Шоввоз», «Истиклол», «Раҳим», «Ишонч» каби фермер хўжалиқларининг ҳар бирига 2,5 миллион сўмдан 3 миллион сўмгача, Б.Бозоров, Ш.Алиқулов, Ж.Турдиқулов, Х.Сиддиқов, И.Ҳасанов каби хусусий тадбиркорларга 1-1,5 миллион сўм миқдорда кредит берилди ва 150 дан ортиқ ишчи ўринлари ташкил этилди.

Бугунги кунда туманда 1564 та кичик ва

тадбиркорларнинг бажарилишига панжа орасидан

бин бўлиб тураверишган.

— Гулистон ва Боев туманларида бундай кўнгилсизликлар кўпайиб бормоқда, — дейди Сирдарё вилоят Аграрно-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси меҳнат нозир Илём Боқиев. — Ачинарлиси, кўпгина раҳбарлар бундан тегишли ҳулоса чиқаришмаяпти. Оқибатда унинг жабрини бошқалар тортаяпти.

Ҳар қанча уринмасин, ишни ёпди-ёпди қилишга ҳаракат қилмасин «Деҳқонobod» хўжалиги раиси Комил Аҳмадулов ўзини жавобгарликдан қутқариб қололмади. Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун хўжалиқда кўпол тарзда бузилганлиги кеч бўлса-да аниқланди. Айни пайтда жабрдийда Иштиёр Жўраевга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундирдиш чоралари кўрилаяпти.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ ТАЙИНЛАНДИ...

лаштирилди. 515 нафар фуқаро ижтимоий муҳофазага олинди.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ҳимоя қилишга эътибор оширилмоқда. 200 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди, уларга халқ банки орқали 3 миллион 204 минг сўм нафақа берилди.

Меҳнат бозорига тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган алоҳида ҳимояга муҳтож кишилар учун 549 та имтиёзли ўринлар яратилди ва улардан 301 нафар одам ишга жойлаштирилди. Шулардан 10 нафари ноғирон, 267 нафари мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битирган ёшлар-

Техника хавфсизлигига риоя этилмаётган жойда

Хўжалиқда юз берган кўнгилсиз воқеа мутасад-

талабларининг бажарилишига панжа орасидан

КАСАЛЛИКНИ ЯШИРМОҚЧИ ЭДИЛАР

иситмаси ошкор этди

тилмаганда рўй берди. Оқибатда соппа-соғ йиғит ноғирон бўлиб қолди.

Шу йилнинг 16 май куни эрталаб Иштиёр Жўраев хўжалик ёнилги омбори ёнига келади. Мақсад, бошқарувидаги МТЗ — 80 русумли тракторига ёнилги куйдириб сўнг далага жўнаш эди. Аккумуляторсиз трактор ишлаб турарди. Ёнилги бакка тўлгач қопқоғини ёпаётганда Иштиёрнинг оёғига тушган кучли зарбадан кўз олди қоронғилашиб кетди. Ўзига келганида оёғини тракторга тиркалган зил-заambil экиш сеялкаси босиб турарди. Уни касалхонага олиб кетишди. У ерда узоқ вақт даволанди, кўп азият чеқди.

диларни ташвишлантириб қўйди. Зир югуриб шифонага қатнашди. Иштиёр Жўраев жароҳатини битказиш, тезроқ шифонадан чиқариш пайида бўлишди. Унга мөхрибонлик қилаётгандек доридармондан қарашиб турирди. Даставвал Иштиёр ҳам хўжалик раҳбарларидан миннатдор эди. Шифонадан чиққач, ўйла-ниб қолди. Энди тирикчилик нима бўлади? Узи бирор ишга ярамаса, Бу ёқда фарзандлар... Қора қозон ҳар куни қайнаши керак. Хуллас, И.Жўраев ана шу ўйлар гирдобиди қолганди.

— «Деҳқонobod» шикратлар уюшмаси раҳбарлари меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун

қарашган, — дейди Сирдарё вилоят бош давлат меҳнат-техника нозир Бобо Низомов. — Устига-устак, ўз берган ҳодисани яшириб келишган. Ваҳоланки, хўжалик раиси Комил Аҳмадулов, бош муҳандис Нодир Маъмуров юқоридаги ноҳус ҳодиса ҳақида тегишли идораларга хабар беришлари, даволатнома тўлдиришлари лозим эди. Лекин бундай қилишмади. Мақсад, ёпиғлик қозонни ёпиғликча қолдиришдан иборат эди.

Хуллас, айбни тан олишга, керакли ҳужжатларни расмийлаштиришга, воқеани ошкор этишга, рақсада журъат этишмаган. Раҳбардан садо чиқмагач, муҳандис ва механиклар ҳам томоша-

«Деҳқонobod» хўжалиги раиси Комил Аҳмадулов ўзини жавобгарликдан қутқариб қололмади. Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун хўжалиқда кўпол тарзда бузилганлиги кеч бўлса-да аниқланди. Айни пайтда жабрдийда Иштиёр Жўраевга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундирдиш чоралари кўрилаяпти.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

АВТОКЕМПИНГ ҚАД РОСТЛАДИ

Нукус шаҳрига кираверишда жаҳон андозаларига мос замонавий автокемпинг қад ростлади.

Унда транспортларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари, замонавий меҳмонхона ва ошхона иш бошлади. Шу ернинг ўзига Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятидаги автомобилларга ёнилги қуйиш тармоқлари ходимларини ўқитиш маркази ҳам ташкил этилди. Автокемпинг қурилишида 1 миллиард 50 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Автокемпингнинг очилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқорғи Кенгаши Раиси Т.Қамолов, «Ўзнефтьмаҳсулот» компанияси раиси А.Аҳмедов қатнашди.

(ЎЗА).

Қарши шаҳридаги «Мадина» болалар боғчаси жамоаси намуналий фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда болажонлар учун кулай шaroит яратилган, машгулотлар янги дастур асосида олиб бoрилаяпти.

Боғча фаолиятини янада жонлаштириш бoрасида тажрибали педагог-мудира Дилбар Раҳимова бошчилигида тарбиячилар талайгина ишларни амалга оширмоқда.

Суратда: олий тоифали тарбиячи Замира Омонова (ўнгдан биринчи) ҳамкасблари билан тажриба алмашмоқда.

Ш. ШАРОПОВ, (ЎзА) олган сурат.



Муаммо кўндаланг қўйилади

Киночилар ўйи таътилга чиқди. Европа мамлакатларининг кино кўриги ҳам шов-шув билан ўтди-ю, босилди. Утган йилнинг сўнгги бадий фильми — «Меш полон» монтажаторовка хоналарида сайқал топиб юмалок темир кутчаларга жойланди. Айни пайтда «Фидокорлар» сериали суратга олинапти.

лар таъйини ва санъаткорларнинг жасорати («Ҳокимият кимники?», «Лотинлаштириш») фильмлари мисолида), мерос ва кино («Алишер Навоий», «Алломиш» сценарийси, «Пахта ой» мисолида), кинода тарихий-

ДАРСЛИКДА — СИНОВ ТЕСТЛАРИ

Абу Али ибн Сино номидаги Тиббиёт нашриёти мактаб ўқувчилари учун қатор дарсликларни чоп этиш билан шуғулланмоқда. «Одам ва унинг саломатлиги» деб номланган дарслик ҳам нашриётнинг янги ўқув йилига яхши совғаси бўлди.

Мамлакатимизда биринчи марта яратилган бу ўқув адабиёти мактабларнинг 8-синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, лотин ёзувида кўп нусхада чиқарилди.

Унда берилган рангли расмларда инсон аъзоларининг тузилиши ўз аксини топди. Бундан ташқари дарсликда ўзбекистонда тиббиёт фанининг қисқача ривожланиш тарихи ҳам ёритиб берилди. Тиббиёт фани тарққиётига муносиб ҳиссаларини кўшган алломалар тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотди.

Янги дарсликлар 80 дан ортиқ синов тестлари ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган.

А.АЛИЕВ.

ФИЛМЛАР ХАЗИНАСИ ЗАРУР

Чунки филмотека, компьютер — кино таълимнинг бошланғичи

«Ишқ ўти» ўзбек-ҳинд филмининг Бомбейда тасмага тушириладиган қисми Исомат Эргашев ҳамда Умеш Мехра бошчилигидаги ижодий гуруҳнинг диққат марказида. Юсуф Розиков эса ёзувчи Эркин Аъзам билан «Дилхироқ» сценарийсини кўймига етказиш, актёр ва ҳаваскорлардан иборат ижрочилар гуруҳини яратиш ҳақида ўйлаптилар, гўзал бойсунга бориб бўлажак филмининг манзараларини танлаш билан бандлар... Хуллас, иш кўп. Аслида ҳозир сукут сақлаб бўлмайди, киновнинг кечаги, бугунги ва эртанги кун билан боғлиқ муаммоларга аниқлик киритиш, кино воқелигини қайта идрок этиш мураккаб масалаларнинг ечимини излаш, узлуксиз бўлишини таъминлаш зарур. Зеро, миллий кинода ўтиш даври тугаб, янги палла бошланди. Эндиликда кино ишлаб чиқариш, фильмларни ижарага бериш, муҳими, соғлом ижодий муҳитда пишиқ асарлар яратишга катта эҳтиёж бор.

Кунини-кеча ёш, куч-ғайратга тўлиб тошган, ижод этиш бахтига эришган бир йигит билан узок суҳбат қурдим, илк асарини кўрдим, мулоҳазаларимни айтдим, оқ йўл тиладим. Унинг исми шарифи Худойберган Юсупов. Барчамиз фخرланиб юрадиган Худойберган Девононинг (биринчи ўзбек кино операторининг) шоғирди Юсуф оғанинг набираси! Буни қаранг-а, кинематографиямиз қалдирғочи юксак парвоз қилмоқчи бўлганида шўролар уни пўлат қафасга солган, қанотини қайирган, нобуд этган эди. Эндиликда — мустақиллик шароитида унинг шоғирди набираси эркин ижод билан банд.

— Москвадаги режисёрларнинг Олий курсида таҳсил кўрдим, дейди Худойберган Юсупов. — Анимацион кино бўйича ихтисослашдим. Яъни мультипликацион фильмларни яратишда замонавий техникадан фойдаланиш усулларини ўзлаштирдим. Эндиликда уйда компьютер ёнида ижод этиб кичик мультфильмларни яратиш би-

лан машгулман. Айни пайтда ўзим билганим, ўрганганимни киностудиянинг мультипликацион уюшмасидаги ёшларга сабоқ бермоқдаман.

Биз Худойберганга омад тилаб қолдик. Шу билан бирга юртимиз вакили таҳсил кўрган ер, ўқув жараёни, фильмлар хазинасидан фойдаланиш имкониятлари ҳақида ўйладик. Негаки ўзбек фильмларининг асл нусхалари Москва ва яқинидаги Давлат филм фондида сақланади. Худойберган ўқиган Олий курснинг ижодкор талабалари учун худди ўша ердан кинотасмалари олиб келинган. Хар бир асар баътафсил, кадрма-кадр ўрганилиб, ўзлаштирилган. Компьютер эса фильмлардан сабоқ олган, назарий билимга эга бўлган ёшларга ҳам техникани таъминлаш зарур. Зеро, миллий кинода ўтиш даври тугаб, янги палла бошланди. Эндиликда кино ишлаб чиқариш, фильмларни ижарага бериш, муҳими, соғлом ижодий муҳитда пишиқ асарлар яратишга катта эҳтиёж бор.

Ўзбекистонда ўзбеклар томонидан яратилган фильмларнинг ўзга юртда сақланиши ғайритабиий ҳоллигини англаш учун мазкур асарларнинг айримлари (Х.Девоннов, С.Хўжаев, Н.Ғаниев каби қатағонга учраганларнинг тасмалари, шунингдек, «Насриддин саргузаштлари», «Алишер Навоий», «Абу Али ибн Сино»; «Сен етим эмасан», «Олмос», «Ғалатепалик авлиё» каби ўнлаб фильмларни назарда тутмоқдамиз) эстетик эҳтиёжни қондириш билан бирга илмий қийматга ҳам эгадир. Зеро, уларнинг хар бири Шўро-

лик ва замонавийлик («Тонг олдида», «Уйғониш» мисолида) каби кўпдан кўп масалалар юзасидан илмий фикр юритиш учун асос бўлади.

Эндиликда кино назариясида янги концепциялар, методология асослар пайдо бўлиши ва мукамаллашувида амалиёт, бевосита фильмларнинг кўриги, таҳлили, шарҳи ҳам хизмат қилиши тан олинди, халқаро миқёсда кино анжуманлари ўтказилаётганини, кечаги ва бугунги кино асарлари бир-бирига қиёс қилинган ҳолда ўрганилаётганини назарда тутсақ, Ўзбекистонда яратилган барча бадий, ҳужжатли, телевизион, илмий-оммабола, мультипликацион фильмларнинг асл нусхалари ўзимизда, замонавий техника билан жиҳозланган, мўътадил ҳароратни доимо сақлаб тура оладиган хоналарда, саройларда, филмотекаларда сақланиши зарурлигини яна бир бор ҳис этамиз.

Шундай қилиб, ўрта мактабдаги таълим, дарслик, ўқув қуроллари билан, ижодий (бинобарин, мафкура билан боғлиқ масалаларни ҳал этадиган) Олий ўқув юрталари ёхуд уларнинг қуллиётлари ўқув студиялари, техника, халқаро алоқалар билан боғлиқ бўлганидек, кино ходимларини тайёрлайдиган ёки уларнинг малакасини оширадиган курслар, устaxonлар, доимо ишлаб турадиган семинарларнинг фаолияти фильмлар хазинасининг мавжудлигига, бойлигига, унинг фонди узлуксиз шогирдлари зафаридан одимларини давом эттириши. Чемпионатимиз мергани бўлиб турган У.Исоқов томонидан киритилган ягона тўп чемпионлик учун дадил бораётган «Нефтчи»ни эзгу оруз томон яна бир қадам яқинлаштирди.

Айниқса, Қаршининг «Насаф» жамоаси Жиззахда «Сугдиёна»га ўйинни 1:2 ҳисобда бой бергач, турнир жадвалидаги вазият янада оидинлашди. Эндиликда биринчи ва иккинчи ўринда бораётган жамоалар ўртасидаги фарқ 11 очкони ташкил этмоқда. Мавсум якунига бор-йўғи 9 тур қол-

Хамидулла АҚБАРОВ.


Пойтахтимизнинг Навоий кўчасида — «Пахтакор» Марказий ўйингоҳи қаршисида жойлашган Алишер Навоий номидаги «Санъат саройи» барчамизга яқин ва қадрдон маданият масканларидан биридир. Бу ерни кимдир энг гуллаган ёшлик чоғидаги муҳаббатга тўла ширин хотиротлар билан эсласа, бошқа одам ота-онасининг қўлидан тутиб янги филм кўришга келган беғубор болалик лаҳзалари ила ёдлайди.

Мамлакатимизда Истиклол шарофати билан янгиланаётган, қайта таъмирланиб, чирой очаётган иншоотлар қаторида ушбу маскан ҳам тўла маънода ҳақиқий санъат қоснонасига айлантирилди. Сир эмас, кейинги пайтларда «Санъат саройи» анча таъмирталаб бўлиб қолган эди. Бу ўз-ўзидан маданий ҳордиқ истаб келувчилар сонини камайтириб юборгани ҳам рост. Хусусан, унинг фильмлар намойиш этиладиган иккала зали бугунги талабга жавоб бермай қўйганди. Шукрки, маданият ва маънавиятга бўлган эътиборнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани боис бу каби санъат қосноналари, жойлардаги маданият муассасалари, уларнинг фаолияти, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва ролига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Улар халқимизнинг маънавий озук олиш ва маданий ҳордиқ чиқариш жойига айланмоқда. Мамнуният билан таъкидлаш лозим, Вазира Махаммаси Қарорига мувофиқ «Санъат саройи»да ҳам кенг қўламдаги таъмирлаш ишлари олиб бoрилмоқда. Қурилиш-таъмирлаш ишларида маданий маскан — сайлгоҳ барпо Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўз зиммасига олган.

Мазкур маданият ва санъат масканини дунёнинг замонавий ва кўркем кино залларига мос жаҳон андозалари асосида қайта таъмирлаш учун хорижий инвесторлар жалб

«САНЪАТ САРОЙИ»

янгича мазмун ва чирой касб этмоқда



этилди. Хозирда бу ерда «ASP International» Ўзбекистон-Британия масъулияти чекланган қўшма корхонаси мутахассислари иш олиб бoрмоқда. Таъсисчи Англиядаги «Риджвей Трейдинг корпорейшн» компаниясидир.

— Қўшма корхона мутахассислари Тошкент шаҳар реконструкция-лаш ва ободонлаштириш Давлат лойиҳалаш институти лойиҳаси асосида Алишер Навоий кўчаси ва «Пахтакор» Марказий ўйингоҳи оралигидаги худудда маданий маскан — сайлгоҳ барпо Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўз зиммасига олган.

Мазкур маданият ва санъат масканини дунёнинг замонавий ва кўркем кино залларига мос жаҳон андозалари асосида қайта таъмирлаш учун хорижий инвесторлар жалб

Ҳамшаҳарлар сизлар учун!

мири яқунланиб, зарур қурилиш ишлари бажарилди. Аҳамиятли томони шундаки, сарой фойдаланишга топширилгач, кичик залда аввалгидек узундан-узун Уриндиклар бўлмайди. Уларнинг ўрнига ихчам ва

мунтазам хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Бунинг учун ҳамма шароит муҳайё этилган.

Яна бир эътиборли томони, болажонларимизнинг бу ерда яям раб дам олишлари ҳам

кўзда тутилган. Улар учун «Пахтакор» ўйингоҳи ва «Санъат саройи» оралигидаги майдонда Американинг дисней боғига ўхшаш маскан бунёд этилади. Боғ ўртасида 20 метрлик фаввора қурилади. У мавжуд фавворалардан фарқ қилгани ҳолда тескари ўрнатилган кўзиқорин шаклида бўлиб, биллур томчилар пастдан юқорига эмас, юқоридан пастга қараб айлана шаклида тушади. Фаввора тепасига лифт ёрдамида кўтарилиб, ёзнинг иссиқ кунларида унинг атрофида салқинлаш, ҳордиқ чиқариш мумкин.

«Санъат саройи»да амалга оширилаётган ушбу тадбирлар, кино кўриш ва маданий дам олиш учун келувчилар сонини ошириб, санъатнинг бу турига бўлган эътибор ва қизиқишни кучайтириши табиий. Мазкур иншоотлар қурилиши битгач, у чирой очиб бораётган пойтахтимиз кўрқига кўрк бағишлаб, обод ва файзли жойлардан бирига айланиши шубҳасиз.

Шавкат АБДУЛЛАЕВ, Муҳаббат УРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбирлари.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

АКА-УКАЛАРНИНГ УЧ ТЎПИ

Мамлакат чемпионати 27-тури ака-ука Улугбек ва Шухрат Мирхолдиқовларнинг уйига қўшалок байрам бўлиб кирди. Шу кунги Тошкентнинг «Академия» клубини қабул қилган «Навбахор» муҳим уч очкони қўлга киритди. Гарчанд мезбонлар дарвозасини икки бор ишғол этган эсалар-да, ўзлари ҳам тўрт марта ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур бўлдилар. Ака-ука Улугбек ва Шухрат уч тўп муаллифига айланиши билан бир вақтда, Наманганда эътибор қилишга арзигулик оилавий тандем вояга етаётгани тасдиқдан ўтди.

Дарвоқе, ушбу турда яна бир водийлик ҳужумчи Умид Исоқов ҳам ўз сўзини айтди. Бухорода тўп сурганлигига қарамай Сарқисян шогирдлари зафаридан одимларини давом эттириши. Чемпионатимиз мергани бўлиб турган У.Исоқов томонидан киритилган ягона тўп чемпионлик учун дадил бораётган «Нефтчи»ни эзгу оруз томон яна бир қадам яқинлаштирди.

Кези келганда, «Сугдиёна» жамоаси муҳлисдорини қутлашимиз жоиз. Жиззахлик футболчилар иккинчи даврани анча уюшқоқлик билан ўтказаяптилар. Натижада «Сугдиёна» хавфи зонадан узоқлашиб, ҳатто кучли ўнликка кириш учун курашиш имкониятига эга бўлиб турибди.

Айни вақтда иккинчи давра ўтган йилги чемпион учун мутлақо омадсиз кечаётганини таъкидлашимиз лозим. Албатта, ҳеч бир команда маглубиятли онлардан кафолатланмаган. Лекин

Футбол

хон»—«Самарқанд-Д»—1:0, «Қизилкум»—«Андижон»—1:0, «Кимёгар»—«Дўстлик»—2:1, «Металлурж»—«Турон»—1:0.



27-турдан кейинги вазият

Жамовлар	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Нефтчи»	25	21	2	2	70-18	65
2.«Насаф»	25	17	3	5	60-35	54
3.«Навбахор»	26	16	0	10	59-38	48
4.«Пахтакор»	22	15	1	6	46-24	46
5.«Дўстлик»	25	12	5	8	54-37	41
6.«Самарқанд-Д»	26	12	3	11	48-46	39
7.«Академия»	25	10	8	7	54-34	38
8.«Қизилкум»	24	11	3	10	33-29	36
9.«Трактор»	25	10	6	9	43-42	36
10.«Андижон»	26	11	3	12	45-45	36
11.«Сугдиёна»	26	10	4	12	35-39	34
12.«Зарафшон»	24	9	5	10	37-34	32
13.«Бухоро»	24	10	2	12	41-47	32
14.«Кимёгар»	26	7	5	14	26-45	26
15.«Металлурж»	26	5	9	12	24-51	24
16.«Турон»	25	6	5	14	24-51	23
17.«Сурхон»	25	7	1	17	25-57	22
18.«Семурғ»	26	2	3	21	29-81	9